

**ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Fil.05.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ҚЎҚОН ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

ТОШБОЛТАЕВА ТОЖИХОН АБДИЛҲАМИДОВНА

**ФАЗЛИЙ НАМАНҒОНИЙ: “МАЖМУАИ ШОИРОН”ДА
АНЪАНАВИЙЛИК ВА ЎЗИГА ХОСЛИК**

10.00.02 – Ўзбек адабиёти

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ИЛМИЙ
ДАРАЖАСИНИ ОЛИШ УЧУН ЁЗИЛГАН
ДИССЕРТАЦИЯ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фарғона - 2021

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
филологическим наукам**

**Contents of the abstract of dissertation on doctor of philosophy (PhD) on
philological sciences**

Тошболтаева Тожихон Абдилҳамидовна Фазлий Намангоний: “Мажмуаи шоирон”да анъанавийлик ва ўзига хослик	3
Тошболтаева Таджихан Абдилҳамидовна Фазлий Намангани: традиция и особенность в “Мажмуаи шаирон”	26
Tashbaltaeva Tadjixan Abdilxamidovna Fazli Namangani: Tradition and speciality in “Majmuai shoiron”.....	47
Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published works.....	58

**ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Fil.05.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ҚЎҚОН ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

ТОШБОЛТАЕВА ТОЖИХОН АБДИЛҲАМИДОВНА

**ФАЗЛИЙ НАМАНҒОНИЙ: “МАЖМУАИ ШОИРОН”ДА
АНЪАНАВИЙЛИК ВА ЎЗИГА ХОСЛИК**

10.00.02 – Ўзбек адабиёти

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ИЛМИЙ
ДАРАЖАСИНИ ОЛИШ УЧУН ЁЗИЛГАН
ДИССЕРТАЦИЯ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фарғона - 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2019.3-PhD/Fil 961. рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Қўқон давлат педагогика институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.fdu.uz) ва «Ziyonet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Жўраев Ҳабибулло Абдусаломович
филология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Тожибоева Муқаддас Абдурахимовна
филология фанлари доктори, профессор.

Жўрабоев Отабек Рустамбек ўғли
филология фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Наманган давлат университети

Диссертация ҳимояси Фарғона давлат университети, ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.Fil.05.02. рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади
Манзил: 100151, Фарғона шаҳри, Мураббийлар кўчаси 19. Тел: (99873) 244-44-29; факс: (99873) 244-66-03; e-mail: fardu_info@mail.uz).

Диссертация билан Фарғона давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100151, Фарғона шаҳри, Мураббийлар кўчаси 19. Тел: (99873) 244-44-02.)

Диссертация автореферати 2021 йил «___» _____ куни тарқатилди.
(2021 йил «___» _____ даги ___ рақамли реестр баённомаси).

А.А. Қосимов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, филол.ф.д., профессор

М.Т. Зокиров

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, филол.ф.н., доцент

А.Ғ. Сабирдинов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси
филол.ф.д., доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон адабиётшунослигида хусусан, Шарқ мумтоз адабиётида анъанавийлик ва новаторлик масалаларини ёритиш борасидаги тадқиқотларга қизиқиш тобора ортиб бормоқда. Айниқса, бугунги кунда Шарқ мумтоз адабиёти хазинасига мансуб асарларни ўрганиш, уларнинг ижодий илдизларини аниқлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш заруратга айланди. Бу муаммо ечимига жиддий ёндашиш ижтимоий, маънавий, маданий жиҳатдан муҳим амалий аҳамиятга эга.

Дунё адабиётшунослигида Шарқ мумтоз адабиёти муаммоларининг, жумладан, ўзбек мумтоз адабиётида ҳали қирралари очилмаган ижод намуналарининг тадқиқ этилишига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Қўқон хонлиги даврида адабиёт ва санъатнинг ривожини, хусусан, ўзбек адабиёти тарихида “олтин давр” яратган Саид Амир Умархон ҳомийлигида юзага келган Қўқон адабий муҳити намояндалари фаолияти ҳақида ўзбек, рус, турк ва тожик адабиётшунослигида амалга оширилган илмий тадқиқотлар Фазлий Намангонийнинг “Мажмуаи шоирон” асаридаги анъанавийлик ва ўзига хослик масалаларини ёритишда назарий асос вазифасини бажаради.

Юртимиз истиқлолга эришгач, миллий қадриятларимизни тиклаш мақсадида ўзбек адабиётшунослигида фаолияти ҳанузгача ўрганилмаган ижодкорлар ва улар асарларининг жаҳон адабиётшунослиги эришган илмий ютуқлар, назарий-методологик тамойиллар асосида теран тадқиқ этишга аҳамият берилма бошланди. “...ўзбек мумтоз ва замонавий адабиётини халқаро миқёсда ўрганиш ва тарғиб қилиш, кўпқиррали бу мавзуни бугунги кунда дунё адабий маконида юз бераётган энг муҳим жараёнлар билан узвий боғлиқ ҳолда таҳлил этиб, зарур илмий – амалий хулосалар чиқариш, келгуси вазифаларимизни белгилаб олиш, ўйлайманки, катта аҳамиятга эга,¹- деган эдилар президентимиз. Шу нуқтаи назардан Қўқон адабий муҳитида камол топган шоир Фазлий Намангоний меросини ўрганиш муҳим масалалардан бирига айланди. Ижодкорнинг “Мажмуаи шоирон” тазкираси Қўқон адабий муҳити ва шу давр ижодкорлари ҳақида маълумот берувчи муҳим манба вазифасини ўтайди. Мазкур тазкира тадқиқи ўзбек адабиётшунослигида Фазлий шахси ва шоир ижодий меросини ўрганиш муаммоларига муайян даражада ойдинлик киритади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”, 2019 йил 8 ноябрдаги ПФ-5847-сон “Ўзбекистон Республикаси Олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” фармонлари, 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сон “Фанлар академияси фаолияти, илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2017 йил 20 апрелдаги

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев “Ўзбек мумтоз ва замонавий адабиётини халқаро миқёсда ўрганиш ва тарғиб қилишнинг долзарб масалалари” мавзусидаги халқаро конференция иштирокчиларига табригидан.w.w.xabar.uz.

ПҚ-2909-сон “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2017 йил 13 сентябрдаги ПҚ-3271-сон “Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида”ги қарорлари, шунингдек, мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу тадқиқот иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Диссертация Ўзбекистон республикаси фан ва технологиялари ривожланишининг “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишига мувофиқ бажарилди.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. “Мажмуаи шоирон” тазкирасига бугунга қадар ўзбек адабиётшунослигида кам мурожаат этилди, тадқиқотчилар томонидан монографик тадқиқ манбаи қилиб танланмади. Айрим тадқиқот ишларида, жумладан, академик А.П.Қаюмовнинг “Қўқон адабий муҳити” номли йирик тадқиқотида, Н.М.Маллаев, В.Абдуллаев, Ғ.Каримов, Б.Валихўжаев, В.Зоҳидов, Р.Орзикулов, И.Адизоваларнинг¹ шу давр адабий муҳити билан боғлиқ бир қатор монографиялари, тадқиқотлари, олий мактаб талабалари учун тайёрланган дарслик, қўлланма ҳамда докторлик ва номзодлик диссертацияларида² мазкур тазкирадаги бой далилий маълумотларга асосланилган ва унга ўша давр адабий муҳити намояндалари асарларидан ўрин олган ишончли манба сифатида қаралган. Ушбу жараёнда муносабатлар хилма-хиллиги келиб чикди: баъзида мажмуага адабиётимиз тарихининг энг муҳим даврининг асосий манбаси сифатида баҳо берилди ёки унинг муаллифи, тазкирадан жой олган шоирлар асарларидан айримлари ажратиб олиниб тадқиқ қилинди. Модомики, Фазлий тазкираси XVIII аср иккинчи ярми – XIX асрнинг биринчи ярми Қўқон ва унинг теварак атрофи адабий ҳаёти ҳақида хабар берувчи муҳим манба саналар экан, адабий-маданий меросни янгиланаётган тафаккур асосида чуқур ўрганиш қарор топаётган бугунги кунда монографик режада атрофлича тадқиқ қилиш ниҳоятда долзарб масаладир. Шу маънода 2018 йилда манбашунос Маҳмуд Ҳасаний томонидан “Мажмуаи шоирон”нинг ўзбекча матни алоҳида китоб ҳолида тайёрланиб, нашр этилиши эътиборга лойиқдир.

¹ Қаюмов А.П. Қўқон адабий муҳити. Асарлар. 12 жилдлик. 7-жилд. -- Тошкент, “Мумтоз сўз”, 2011.- Б.115. Маллаев Н. XV аср тазкираларининг тарихий-адабий аҳамияти / Ўзбек адабиёти масалалари. -- Тошкент, Ўздавнашр, 1959.-Б.76 Абдуллаев В. Ўзбек адабиёти тарихи. 2-китоб. -- Тошкент, Ўқитувчи, 1976.- Б. 393; Каримов Ғ. Ўзбек адабиёти тарихи.-- Тошкент, Ўқитувчи, 1976.-Б.102; Валихўжаев Б. Ўзбек адабиётшунослиги тарихи.-- Тошкент,Ўқитувчи, 1993. - Б.192; Валихўжаев Б. Ўзбек адабиётшунослиги тарихидан. -- Тошкент, Ўзбекистон,1993. - Б.181; Зоҳидов В. Ўзбек адабиёти.-- Тошкент, Ўқитувчи, 1959, Б.18, Орзибеков Р. Ўзбек адабиёти. -- Тошкент, Маънавият, 2009,- Б.132; Адизова И. Ўзбек мумтоз адабиёти тарихи: (XVI-XIX аср I ярми): Ўқув қўлланма. - 2 - нашр.-- Тошкент, Фан. 2009.-Б.247.

² Шониёзов М. “Мажмуаи шоирон” тазкираси матнини тайёрлаш принциплари ва матний тадқиқи. НД. -- Тошкент, 2009.- Б.101.

Мазкур тазкирани ўрганиш аслида у яратилган даврдаёқ бошланган, дейиш мумкин. Негаки, ўша пайтлари яратилган бир қатор асарларда Фазлий тазкира – антологияси тилга олинган, унинг майдонга келиши адабиёт тарихида муҳим воқеа бўлгани уқтирилган. Чунончи, “Мунтахаб ут-таворих”, “Ансоб ус-салотин ва таворих ул-хавоқин”, “Шохномаи Нусратпаём” сингари асарларда “Мажмуаи шоирон”дан олинган бир қатор маълумотлар такрорланади ёхуд бу асарга Амир Умархон даври адабиётининг ўзига хос кўзгуси сифатида қараб, баҳо берилган.¹ Ёки “Тарихи Фарғона” (Исҳоқхон тўра Ибрат)да ҳам Кўкон адабий муҳити, унинг майдонга келиши, бунда адабий ижод билан машғул бўлган шоирлар ҳақида сўз борганда, “Мажмуаи шоирон”га мурожаат қилинган, ундаги маълумотларга таянилган.²

П.Қаюмийнинг “Хўқанд тарихи ва унинг адабиёти” китоби ҳам “Мажмуаи шоирон”ни ўрганишда муҳим манба ҳисобланади. Чунки мазкур китобда “Тазкирайи Қаюмий”да зикр қилинган қалам аҳллари билан бир қаторда, унда номлари келмаган, аммо “Мажмуаи шоирон”да номи зикр этилган шоирлар ҳақида мухтасар маълумотлар, улар ижодидан айрим намуналар берилган.³

Абдурауф Фитрат, шунингдек, С.Айнийнинг ўзбек адабиётининг XIX асрга тегишли тадқиқотларида ҳам “Мажмуаи шоирон” тўғрисидаги маълумотлар мавжуд.⁴ Миён Бузрук Солиҳовнинг “Ўзбек адабиёти тарихига умумий қараш” номли китобида Кўкон адабий муҳитини “Олтин бешик даври адабиёти” деб атаб, айна “Мажмуаи шоирон”даги маълумотлар асосида мулоҳаза ва мушоҳада юритади, муаллиф ва тазкира хусусида, унинг ўзбек адабиёти тарихидаги ўрни борасида тўхталар экан, “Мажмуаи шоирон” Олтин бешик даври ўзбек адабиёти тарихини ўрганиш борасида қимматли манба бўла олишини алоҳида уқтиради.⁵ Яна бир қатор тадқиқотлар борки, булар сирасига З.Қобиловнинг “Амирийнинг ҳаёти ва ижоди”,⁶ М.Шониёзовнинг “Мажмуаи шоирон” тазкираси матнини тайёрлаш принциплари ва матний тадқиқи”⁷ сингари номзодлик диссертацияларини,

¹ Муҳаммадҳакимхон тўра. “Мунтахаб ут-таворих” / Нашрга тайёрловчи ва сўзбоши муаллифи Ш.Воҳидов. -- Тошкент, Янги аср авлоди, 2010.- Б.716; Мирзоолим Мушриф Ансоб ус-салотин ва таворих ул-хавоқин. (Кўкон хонлиги тарихи) / Нашрга тайёрловчи А.Матғозиев, М.Усмонова; Сўз боши муаллифи А.Матғозиев. -- Тошкент, Адабиёт ва санъат нашриёти, 1995.- Б.128; Мушриф Исфарагий “Шохномаи Нусратпаём”; Воҳидов Ш. Кўкон тарихчилари Фазлий ва Мушриф. -- Тошкент, ЎзРФА Қўлэмалар институти таҳририй нашриёти бўлими, 1996-Б.16-23.; Қори Раҳматуллоҳ Возеҳ. “Тухфат ул-аҳбоб фи тазкират ул-асҳоб” ЎзРФАШИ №75 рақамли тошбосма”.

² Исҳоқхон тўра Ибрат. Танланган асарлар / Нашрга тайёрловчилар, сўз боши, изох ва луғат муаллифлар: У.Долимов, Н.Жаббор; Масъул муҳаррир: Б.Қосимов.-- Тошкент, Маънавият, 2005.- Б.200.

³ Қаюмий П. Хўқанд тарихи ва унинг адабиёти. -- Тошкент, Тамаддун, 2011. Б.126.

⁴ Бу ҳақида қаралсин. Қаюмов А. Асарлар 10 жилдлик. 7- жилд: 1- китоб: Кўкон адабий муҳити. -- Тошкент, Mumtoz so'z, 2010. - Б.17.; Абдурауф Фитрат. Танланган асарлари. II том / Тузувчи Ҳ. Болтабоев -- Тошкент, Маънавият, 2000.- Б.206.; Айний С. Намунаи адабиёти тожик. -- Москва: Чопхонаи нашриёти маркази халки иттиходи жамоҳири шўравийи сусёлист, 1926.- С. 626.

⁵ Солиҳов Миён Бузрук. Ўзбек адабиёти тарихига умумий қараш. -- Тошкент, Ўздавнашр, 1930.- Б.17.

⁶ Қобилова З. Б. Амирий ва унинг адабий фаолияти: Филол. фан. ном...дисс. --Тошкент, 2007.- Б.133.

⁷ Шониёзов М. “Мажмуаи шоирон” тазкираси матнини тайёрлаш принциплари ва матний тадқиқи. НД. -- Тошкент, 2009.-Б.113.

О.Жўрабоевнинг Қўқон адабий муҳитига оид мақолаларини¹ киритиш мумкин. Шу билан бирга, яна бир неча тадқиқотда Фазлий ва унинг мажмуаси юзасидан, йўл-йўлакай бўлса-да, муносабат билдирилган.² Т.Жалоловнинг “Ўзбек шоирлари”, В.Зоҳидовнинг “Ўзбек адабиёти тарихидан”, Б.Валихўжаевнинг “Ўзбек эпик поэзияси тарихидан” номли монографик тадқиқотларида, шунингдек, проф. Э.Шодиевнинг “Фазлий Намангоний ва Хўжанд шоирлари” номли рисоласида “Мажмуаи шоирон”га илмий муносабат билдириш, унинг адабиёт тарихидаги мавқеини асослаш юзасидан қимматли фикрлар келтирилган. Шунингдек, А.Халилбековнинг “Наманган гулшани” китобида, М.Ҳамидованинг “Қўлзма баёзлар - адабий манба”, Туркияда чоп қилинган проф. Холук Ипектеннинг “Шоир тазкиралари” китобларида ҳам шу масалага доир маълумотлар мавжуд.³

Бу борада Э.И.Ражабовнинг “Фазлий Намангонийнинг “Мажмуаи шоирон”и ва XIX аср – XX аср бошлари тожик адабиётида тазкира тузиш анъанаси” номли номзодлик тадқиқотини кўрсатиш ўринли бўлади.⁴ Ш.Воҳидовнинг “XIX аср – XX аср бошларида Қўқон хонлигида тарихнависликнинг ривожланиши” мавзусидаги докторлик диссертациясида, шу муаллифнинг монография ва рисолаларида Фазлий Намангоний ижоди ва унинг “Мажмуаи шоирон” асарига оид маълумотлар учрайди.⁵

Тадқиқот мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация мавзуси Қўқон давлат педагогика институти илмий-тадқиқот

¹ О.Жўрабоев.Қўқон адабий муҳитида девончилик анъанаси ва девонлар таснифи // Ўзбек тили ва адабиёти.-Тошкент, 2008.- №4.- Б.8-17; О.Жўрабоев.“Ҳазойин-ул- маоний”нинг бир шоҳона қўлзмаси ва унинг матний хусусиятлари.// Адабиёт кўзгуси.-- Тошкент, 2011.- №12.- Б.10-16; О.Жўрабоев.Навоий даври девончилиги ва Қўқон адабий муҳити.// Ўзбек тили ва адабиёти.--Тошкент, 2015.- №1.- Б.27-32; О.Жўрабоев.Амир Умархон ва Қўқон адабий муҳити.// Ўзбек тили ва адабиёти. -- Тошкент,2019.- №6.- Б.45-46.

² Файзуллоев Б.Б. Ўзбек шеърятда татаббуъ тарихи ва маҳорати (XVII-XIX асрлар ва XX аср бошлари ғазалчилиги асосида). Филол.фан.ном...дисс. автореф. -- Тошкент, 2002.- Б.25.; Самандарова С. XX аср ўзбек тазкиранавислари. Филол.фан. ном...дисс.--Тошкент, 1996.-Б.144.; Маткаримова С.Қ. Табибий – тазкиранавис (Мажмуаи си шуарои пайрави Ферузшоҳий): Филол.фан.ном...дисс.--Тошкент., 2007. - Б.133.; Бекчанов И. Ҳасанхожа Нисорий ва унинг “Музакири аҳбоб” тазкираси ва XVI аср ўзбек адабиёти (Манбашунослик ва матншунослик аспектида): Филол. фан. номзоди. ...дисс. -- Тошкент, 1993.- Б.177; Самандарова С. XX аср ўзбек тазкиранавислари. Филол.фан. ном...дисс. -- Тошкент, 1996. - Б.144. Сирожиддинов Ш. Алишер Навоий ҳаёти ва фаолиятига оид XV-XIX асрларда яратилган форс-тожик манбалари (Қиёсий типологик-текстологик таҳлил) Филол.фан. д-ри... дисс. -- Тошкент, 1998.-Б.278.

³ Жалолов Т. Ўзбек шоирлари. -- Тошкент, Адабиёт ва санъат нашриёти, 1980.- Б.416.; Зоҳидов В. Ўзбек адабиёти тарихидан / Ред.А.Қаюмов,А.Қулжонов.-- Тошкент,Ўздадабийнашр, 1961.- Б. 266; Валихўжаев Б. Ўзбек эпик поэзияси тарихидан / Масъул муҳаррир В.Абдуллаев. -- Тошкент, Фан,1974.-159 б.; Шодиев Э. Фазлий Намангоний ва Хўжанд шоирлари. -- Хўжанд: Хўжанд давлат университети, 1993.-Б.72.; Халилбеков А. Наманган адабий гулшани: Илмий тадқиқот / Масъул муҳаррир Ҳабиб Саъдулла.-Наманган.: Наманган нашриёти, 2007- Б.467. Şair tezkireleri.(Dr. Haluk Ipekten). Araştırma ve Injleme Dizisi. 1. Basım: Ankara, 2002.-S.372.

⁴ Ражабов Э.И. Фазлий Намангонийнинг “Мажмуаи шоирон”и ва XIX аср-XX аср бошларида тожик адабиётида тазкира тузиш анъанаси. Филол.фан.номз.дисс. -- Душанбе,2013.- С. 25.

⁵ Воҳидов Ш. Х. XIX-XX аср бошларида Қўқон хонлигида тарихнависликнинг ривожланиши: Тарих фан. д-ри...дисс.--Тошкент, 1998. - Б.307.; Воҳидов Ш. Қўқон хонлигидаги тарихнавислик: (генезиси, функциялари, намояндалари, асарлари) / Масъул муҳаррир А.Қаюмов.--Тошкент, Akademnashr.2010.- Б.317.; Воҳидов Ш. Қўқон тарихчилари: Фазлий ва Мушриф.--Тошкент, ЎзРФА Қўлзмалар институти таҳририй нашриёти бўлими,1996 .- Б.20.

ишлари режасига мувофиқ “�збек мумтоз адабиёти муаммолари: Қўқон адабий муҳити” мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Абдулкарим Фазлий Намангоний адабий меросининг ўзбек ва тожик адабиётидаги, хусусан, “Мажмуаи шоирон”нинг ўзбек тазкирачилигидаги ўрни ва ўзига хослиги, Қўқон адабий ҳаётидаги мавқеини аниқлаш ва тиклаш, тазкирада зикр этилган маълумотлар ҳамда шоирлар асарларининг адабий-бадиий ва маърифий қимматини белгилашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

“Мажмуаи шоирон” тазкирасидаги анъанавийлик ва новаторлик хусусиятларини Шарқ, хусусан, ўзбек тазкирачилиги билан қиёслаш;

Тазкирада берилган XIX аср адабий муҳит талқинлари даражасини аниқлаш;

“Мажмуаи шоирон”даги маълумотларнинг ҳаққонийлигини, талқин даражалари ва усулларини, муайян ижодкор шахси ҳамда ижодига муносабатни аниқлаш;

Амирий асарлари ва унинг ғазалларига тазмин қилинган шеърлар жанрига хос ўхшашлик ва фарқлиликка, баён ва намуналардаги ўзига хосликларга муносабат билдириш;

“Мажмуаи шоирон” тазкирасининг XVIII аср иккинчи ярми ва XIX асрнинг биринчи ярмида Қўқон ва унга яқин ҳудудлар адабий муҳитини тасаввур қилишдаги ўзига хос аҳамиятини белгилаш.

Тадқиқотнинг объекти. Мазкур тадқиқот учун кўлимиздаги 1900 йил Тошкентда В.М.Ильин босмаҳонасида литографик усулда чоп этилган нусха, (унинг бош саҳифасига “Мажмуат уш-шуаро” деб ёзилган. А.П.Қаюмов “Қўқон адабий муҳити” номли ишида мазкур номга қуйидагича муносабат билдиради: “Бу антологиянинг номи илмий адабиётда “Мажмуат уш-шуаро” деб юритиб келинади (“Ўзбек адабиёти”, III том, 1959 й., 515-бет). Чунки унинг 1900 йили Тошкентда литография усулида босилган нусхасининг титул варағига “Мажмуат уш-шуаро” деб ёзилган)бу асарнинг бизга маълум бўлган энг эски нусхалари ЎзРФА Шарқшунослик институтидаги № 7510 (1236/1821 йилда кўчирилган) ва 9914 рақамлари билан сақланаётган (1238/1822 йилда кўчирилган) кўлёмалари ва бошқа литонашрларга ҳам асосландик.

Тадқиқотнинг предметини “Мажмуаи шоирон”даги турли жанр ва мавзу йўналишларидаги шеърлар, даржлар, тавсифлар, шунингдек, қиёслаш учун жалб қилинган бошқа тўпламлардаги танлаб олинган ҳар хил жанрдаги асарлар ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотни амалга оширишда қиёсий-тарихий, қиёсий-типологик, тавсифий, таснифий усуллардан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

“Мажмуаи шоирон” мавжуд тазкиралардан фаркли ўлароқ, зуллисонайлик анъаналари асосида ёзилганлиги, шоирлар ижод намуналарининг тўлиқ ҳолда ҳавола қилинганлиги, баён услуби (назмда ёзилганлиги), татаббуъларнинг девон тузиш анъаналари асосида

жойлаштирилганлиги билан фарқланиши, тазкирадаги анъанавийлик ва янгилашни масалалари ёритилиши асосланган;

тазкира умумий мундарижасининг дастлабки маснавийларида шеърлари келтирилган шоирлар ҳақидаги дарж ва фазллар орқали XIX аср биринчи чорагида ижод қилган, ўзбек адабиёти тарихида ҳали номлари маълум бўлмаган шоирлар ҳақида маълумотларга эга бўлиш мумкинлиги аниқланган;

“Мажмуаи шоирон” ўзбек мумтоз адабиётида алоҳида аҳамиятга молик тазкира бўлиб, мажмуада зикр этилган 88 нафар ижодкор ва уларнинг асарлари кўп асрлик миллий адабиётимиз тарихида чинакам “олтин давр” яратганлиги илмий-назарий жиҳатдан асосланган;

Кўқон адабий муҳити лирик ва эпик асарлар билан бир қаторда, тазкира ва баёзлар тузилган адабий марказ эканлиги илмий далиллар асосида исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Фазлий Намангонийнинг ўзбек мумтоз адабиётида тутган ўрнига ҳолис баҳо берилган;

“Мажмуаи шоирон”ни қўлёзмалар, тошбосмалар ва жорий нашрлар асосида муайян тизимга солиб чиқиш ва таҳлилга тортиш натижасида тазкира ва ундаги шеърӣ матнлар илмий муомалага киритилган;

тазкирадаги ижод намуналарининг ғоявий йўналишлари бўйича муайян баҳо берилган;

ижод намуналарининг бадий хусусиятларини аниқлаш орқали шоирларнинг маҳорат қирралари юзасидан маълум бир хулосалар чиқарилган, тазкира тузилган давр ўзбек шеърӣтининг поэтикасига хос жиҳатлари умумлаштирилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги муаммонинг тўғри қўйилганлиги, илмий муаммонинг ўрганилиш чегаралари аниқ белгиланганлиги, чиқарилган хулосаларнинг қиёсий-тарихий таҳлил усули билан асосланганлиги, таҳлиллар қиёсий-типологик, қиёсий-тарихий, автобиографик тавсифлаш ва таснифлаш воситасида олиб борилганлиги, назарӣ фикр ва хулосаларнинг амалиётга жорий этилганлиги, таҳлил жараёнида ўзбек мумтоз адабиёти табиатидан келиб чиқилганлиги, ижод намуналарини ишончли назарӣ манбалардан фойдаланилган ҳолда талқин ва таҳлил этилгани, натижаларнинг ваколатли давлат муассасалари томони тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг илмӣ ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмӣ аҳамияти шундаки, “Мажмуаи шоирон” ва унинг муаллифи ижоди адабий-эстетик аспектда монографик тарзда илк бора илмӣ муомалага олиб кирилаётгани, тазкирадаги анъана ва ўзига хослик бир қанча лирик жанрлар, хусусан қасида, ғазал, татаббуъ, рубоӣ, туюқ, муаммо, таърих мисолида асосланиши, шоирлар ижодӣ намуналарининг таҳлил асосида берилиши, адабий муҳит ижодкорлари бадий маҳорат даражаларининг баҳоланиши каби хусусиятларини ўрганишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланган.

тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, “Мажмуаи шоирон” асаридаги анъанавийлик ва ўзига хослик юзасидан

чиқарилган хулосалар ўзбек адабиётшунослиги, ўзбек адабиёти тарихи, ўзбек тазкирашунослиги тарихи, адабиётшунослик назарияси, матншунослик асослари фанларини ўқитишда муҳим манба бўлиб хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Қўқон адабий муҳитини ўзида акс эттирган “Мажмуаи шоирон” тазкирасидаги анъанавийлик ва ўзига хослик масалаларига бағишланган мазкур тадқиқот натижалари асосида:

“Мажмуаи шоирон” ўзбек мумтоз адабиётида алоҳида аҳамиятга молик тазкира бўлиб, мажмуада зикр этилган 88 нафар ижодкор ва уларнинг асарлари кўп асрлик миллий адабиётимиз тарихида чинакам “олтин давр” яратганлигига оид хулосалар А-1-099 рақамли 2015-2017 йилларда бажарилган “Ўзбекистоннинг барқарор стратегик тараққиётида фуқаролик жамиятини янада ривожлантириш ва маънавий-ахлоқий хавфсизликни таъминлаш концепцияларининг аҳамияти” мавзусидаги фундаментал лойиҳасида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 4 сентябрдаги 89-03-30-78-сон маълумотномаси). Натижада 2017 йилда нашр этилган “Баркамол инсонни тарбиялаш – давр талаби” номли ўқув-услубий кўрсатма маънавий янгиликлар ва уларнинг замонавий баркамол инсон тарбиясига таъсири билан боғлиқ илмий материаллар билан бойитилган;

Тазкира умумий мундарижасининг дастлабки маснавийларида шеърлари келтирилган шоирлар ҳақидаги дарж ва фазллар орқали XIX аср биринчи чорагида ижод қилган, ўзбек адабиёти тарихида ҳали номлари маълум бўлмаган шоирлар ҳақида маълумотларга эга бўлиш мумкинлиги аниқланганлигига оид таҳлиллардан 2003-2007 йилларда бажарилган Ф – 7.2.1 рақамли “Умумий ўрта таълим мактаблари, академик лицейлар ва касб-хунар коллежларида ўзбек тили ва адабиёти фанларини ўқитишнинг инновацион методлари” мавзусидаги фундаментал лойиҳанинг “Ўрта таълим мактабларида ўзбек мумтоз адабиёти фанини инновацион методлар асосида ўргатиш” бобида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 4 сентябрдаги №89-03-30-78-сон маълумотномаси). Натижада фундаментал лойиҳадаги маълумотлар Қўқон адабий муҳити шоирлари ижоди ҳақидаги қайдлар билан бойитилган;

“Мажмуаи шоирон” ўзбек адабиёти тарихи учун улкан аҳамиятга молик тазкира эканлиги, тазкирада зикр этилган 88 шоир ва уларнинг асарлари кўп асрлик ўзбек адабиёти тарихида чинакам “олтин давр” яратганлиги тазкира таҳлили орқали аниқланганлигига оид хулосалардан Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги “Қўқон давлат музей кўрикхонаси” адабиёт тарихи бўлимига оид экспонат ва материаллар кўргазмасини ташкил этишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Маданият Вазирлиги “Қўқон давлат музей кўрикхонаси. 2020 йил, 6 июнь. Маълумотнома №23). Натижада музей фондининг “Қўқон адабий муҳити” бўлими янги маълумотлар билан тўлдирилган;

диссертацияда олинган илмий хулосалардан “Тоҳир-Бағдод” телеканалининг “Истеъдод – қадрият” кўрсатуви сценарийсини тайёрлашда

фойдаланилган (Тоҳир – Боғдод телеканали 2020 йил 11 май. Маълумотнома №9). Натижада мазкур кўрсатувнинг оммабоплиги таъминланган

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертация иши натижалари 10 та, жумладан, 2 та халқаро ва 8 та республика илмий-амалий анжуманларида маъруза кўринишида баён этилган ва апробациядан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича 28 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 4 та, хорижий журналда 2 та мақола чоп этилган.

Тадқиқотнинг тузилиши ва ҳажми. Тадқиқот кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ва иловалардан иборат. Диссертация матни жами 158 саҳифани ташкил қилади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланиб, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, предмети ва объекти аниқланган. Тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги, унинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган. Олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланиб, ишнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган. Тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, апробацияси, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Тадқиқотнинг биринчи боби **“Фазлий Намангоний ижоди ва тазкиранавислик фаолияти”** деб номланиб, унинг биринчи фасли **“Фазлий Намангонийнинг ижодий мероси ва “Мажмуаи шоирон” тазкираси”** деб номланган ва унда муаллифнинг ҳаёти ва ижоди, хусусан, тазкира антологиясига тавсиф берилган. Қатор манбаларда Фазлийнинг шоир, тазкиранавис ва тарихчи сифатида ўзбек адабиётшунослиги ҳамда тарихшунослигидаги ўрни масаласига эътибор қаратилган.¹ Бироқ унинг шахси, Умархон саройида тутган ўрни, феъли-сажиясидаги жиҳатлар юзасидан йўл-йўлакай фикрлар билдирилган, холос. Шўро тузуми даврига мансуб айрим эътиборли манбаларда Фазлий Намангоний таржимаи ҳолига муносабат билдиришда турлича қарашлар ва муносабатларга дуч келиш мумкин.² Фазлий Намангоний ҳаёти ва ижоди ҳақида бирмунча ҳолис қараш А.П.Қаюмовнинг **“Кўкон адабий муҳити”** деб номланган китобида мавжуд.³

¹ Абдуллаев В. А. Ўзбек адабиёти тарихи. -- Тошкент, Ўқитувчи, 1967. - Б.118-120.; Ўзбек адабиёти тарихи. V жилдлик. 3-жилд. -- Тошкент. Фан, 1976. - Б.237-23.; Ўзбек адабиёти. Антология. Кўп жилдлик. 5-китоб. -- Тошкент, Фан, 1961.- Б. 216-219.; Қаюмов А. Асарлар. 10 жилдик. 7 жилд: Кўкон адабий муҳити. -- Тошкент, Mumtoz so`z, 2010. - Б.17; Шодиев Э. Фазлий Намангоний ва Хўжанд шоирлари. -- Хўжанд, 1993. Б.37-47.

² Абдуллаев В. Ўзбек адабиёти тарихи. -- Тошкент, “Ўқитувчи” нашриёти. 1980 й - Б.118.

³ Қаюмов А. Асарлар 10 жилдик. 7 - жилд: Кўкон адабий муҳити. -- Тошкент, Mumtoz so`z, 2010. - Б.64

Э.Шодиевнинг “Фазлий Намангоний ва Хўжанд шоирлари” номли китобидаги қайдларида бирмунча умумлашма фикрлар берилган.¹

“Мажмуаи шоирон”нинг кириш қисмида Фазлий ҳамма шоирларнинг тавсифини қилар экан ўзи ҳақида бундай дейди:

*Дигар банда Фазли дар ин анжуман,
Ҳамон беҳ ки аз худ нагуям суҳан.
Ба теъдоди он қавм донишмаоб,
Кийам ман дохил шавам дар ҳисоб.
Ҳамин бас бувад қадарам, эй номжӯй,
Ба номи Амирам “Зафарнома” гӯй.²*

А.Халилбеков ҳам “Наманган адабий гулшани” асарида “...Фазлий Наманганга қайтиб келади. Умрининг охиригача отасидан қолган ҳовли-боғда (Анорзор маҳалласида) ҳаёт кечиради”, деб маълумот беради.³ Профессор М.Ҳасанийнинг қайд этишича, “Унинг илм аҳлига маълум бўлмаган яна бир асари “Қудсий ҳадислар шарҳи” деб аталади. Унинг иккита нусхаси ЎзРФА Шарқшунослик институтининг Қўлғезмалар фондида 1083, 7597 рақамлари остида сақланади. Рисолада дастлаб қудсий ҳадис ва ҳадис мазмунининг ўзбек тилидаги шеърӣ таржимаси берилиб, сўнг “Муножот” номи остида шоирнинг ички кечинмалари шеърда берилади. Рисола 70 саҳифадан иборат”⁴.

Фазлийнинг девони етиб келмагани ҳамда унинг таржимаи ҳолига оид далиллар етарли бўлмагани сабабли, унинг ижодий йўлини тўла ёритиш қийин. Унинг катта хизмати “Мажмуаи шоирон” тўпламини тузганлигидир. Унда ҳар бир шоир тўғрисида берилган маълумотлар ғоят аниқлиги билан эътиборни тортади. Душанбе шаҳрида Тожикистон ФА Қўлғезмалар фондидаги 956-рақамли қўлғезма Фазлий Намангонийнинг ўз қўли билан кўчирилган бўлиб, китобнинг биринчи қисми “Девони Фоний”, иккинчи қисми эса унинг мукамал форсий девонидан иборат⁵. Россия Фанлар академияси Санкт-Петербург Шарқ қўлғезмалари институти фондида эса унинг Қўқон хонлиги тарихига оид “Умарнома” номли тарихий достони бор (инв. №С 2467). Шеърӣ йўлда битилган бу тарихий асар Абдуллоҳ Хотифийнинг “Темурнома”сидан илҳомланиб ёзилган. ЎзРФА Ҳамид Сулаймонов номидаги Қўлғезмалар институти фондида сақланаётган “Аҳодис ул-муқаддас” (инв. №737/Т), “Ҳикояти булбул” (инв. 737/Ш), “Ҳикоят” (инв. №737/14) “Таърифи чой” (инв. №2542/4) каби яна бир қатор қўлғезма асарларнинг муаллифи ҳам Фазлий Намангоний эканлигини Э.Шодиев юқорида зикр этилган рисоласида келтирган.⁶

¹ Шодиев Э. Кўрсатилган асар... Б.14.

² Фазлий. Мажмуаи шоирон. Тошбосма. М.Ильин матбааси. 1900. Б.6. (Бундан кейинги иқтибослар ана шу тошбосма нусхадан олинди ва китоб саҳифаси матн ичида катта қавс билан [6] кўрсатилди. - Т.Т.)

³ А.Халилбеков. Наманган адабий гулшани. -- Наманган, Наманган нашриёти, 2007.- Б.78.

⁴ Фазлий Намангоний. “Мажмуаи шоирон”. -- Тошкент, Фан, 2018. - Б. 3.

⁵ Шодиев Э. Кўрсатилган асар...- Б. 9.

⁶ Шу манба. Б.9.

Фазлий Намангонийнинг ўзбекча шеърлари турли қўлёзма ва босма баёзларда кўпроқ учрайди, аммо мукаммал ўзбекча девони ҳалигача топилмаган.

Қўқондаги шахсий кутубхоналардан биридаги қўлёзмада Фазлийнинг “Дар вақти мусофир ва машаққати он гуфтам” (“Мусофирлик ва унинг машаққатлари вақтида яратдим”) деб сарлавҳа қўйилган шеъри ҳақида ҳам Э.Шодиев маълумот берган.¹ Мазкур ҳасби ҳол матни А.Халилбеков томонидан ҳам қайд этилган.² Хуллас, Фазлий таржимаи ҳолига оид қайдлар манбаларда жуда кам учрайди. “Мажмуаи шоирон”даги дарж ва маълумотлар эса, Фазлий ҳақидаги тасаввурларни жуда кам тўлдиради.

“Мажмуаи шоирон”да Фазлийнинг бир нечта шеърлари берилган. Қолаверса, учта маснавий-маълумот ҳамда деярли барча дарж ва фазллар Фазлий томонидан қоғозга туширилган.

Бобнинг иккинчи фаслида **“Мажмуаи шоирон”да тазкирачилик анъанаси ва янгилашиш** масаласи тадқиқ қилинган. “Мажмуаи шоирон”, унгача яратилган тазкиралар анъаналарини давом эттирган, айни чоғда, тазкирачиликда янгича инкишофлар ясаган асар сифатида ўзбек адабиётининг XIX аср биринчи ярми манзарасини ўзида бирмунча тўлиқ акс эттиради. Унинг таркибий тузилиши ва мазмуний-мундарижаси кўздан кечирилганда, Фазлийгача яратилган тазкиралар билан муштарак томонлар, айни пайтда, улардан фарқли жиҳатлар талайгина эканлигини кузатиш мумкин. “Мажмуаи шоирон” тазкираси шу типдаги бошқа асарлар сингари адиблар, маданият ва санъат намояндалари ҳақида маълумотлар беради. Мазкур маълумотлар уларнинг муайян бир даврда яшаб, адабиёт ва санъатга қўшган маълум бир ҳиссаси ҳамда бунга алоқадор бошқа мезонлар билан баҳоланади. Агар тазкирадаги маълумотлар мазмунидаги ўхшашлик ҳисобга олинмаса, бошқа жиҳатларда ўхшашлик у қадар салмоқли эмас. Уларнинг тузилиши ва тартибланишида айнанлик аниқ сезилиб туради. Бирор адиб, маданият ва санъат арбоби ҳақида мухтасар маълумот келтирилгани ҳолда, унинг ижодидан кичик бир намуна ҳавола қилинади. Баъзан намуна келтирилмаслиги ҳам мумкин. Мазкур намуналар асосида муаллиф маҳоратига баҳо берилган тазкиралар ҳам йўқ эмас. Шунингдек, тазкиралар анъанавий равишда ҳамд ва наът, бағишловлар билан очилгани маълум. “Мажмуаи шоирон” ҳам бундан мустасно эмас. “Мажмуаи шоирон”да ҳам аввал ҳамд ва наът берилган, сўнгра бағишлов, ундан кейин дарж ва фазллар келади.

Тазкира юзасидан амалга оширилган тадқиқотларда, Фазлий тазкираси уч фаслга бўлиб ўрганилгани маълум.³ Бу тадқиқотлар тазкирани фаслларга ажратишда, бир томондан, ундаги жанрларни асос қилиб олган бўлса, иккинчи томондан, ундаги манзумаларнинг ғоявий-бадиий йўналишларини мезон қилган. “Қўқон адабий муҳити” монографиясида А.П.Қаюмов тазкирани учта бўлим сифатида қисмларга ажратган: тазкира қасидалар,

¹ Э.Шодиев.Кўрсатилган рисола... Б.13-14.

² А.Халилбеков.”Наманган адабий гулшани”... Б.77-78.

³ Қаюмов А. Қўқон адабий муҳити...Б.12-13.

Амирий шеърларига ёзилган пайровлар ҳамда шу адабий муҳит шоирларининг бир-бирларига ёзган мухаммас, рубоий, таърих ҳамда мушоираларидан ташкил топган. Тазкирани матншунослик ва манбашунослик юзасидан тадқиқ этган М.Шониёзов эса тазкирани тўртга бўлиб ўрганишни таклиф қилган”.¹ Биз ҳам шоирларни таснифлаш жараёнида тадқиқотчининг ушбу фикрларига таяндик. Лекин таснифлар тазкиранинг бутунлай фарқ қилувчи белгиларини олдинги режага чиқариб кўяди. Фарқлар куйидагилардан иборат:

1. “Мажмуаи шоирон” тазкирачиликдаги мавжуд анъанага ёндашувдаги ўзига хослиги, муайян адабий муҳитнинг етакчи хусусиятлари, бадиий ижод ривожининг даражаси, ижод аҳлининг мавзу ва жанрларга муносабати, ижодкорларнинг шахсий салоҳиятлари каби муҳим масалаларни акс эттиришдаги янгилиги билан ажралиб туради.

2. “Мажмуаи шоирон” фақат замондош шоирлар ҳаёти ва ижодидан баҳс этувчи тазкиралар сирасига киради.

3. “Мажмуаи шоирон”да ҳар бир намуна шеърдан аввал унинг муаллифи ҳақида маснавий йўлида шеърий маълумотлар ҳавола этилади. Юқорида айтилганидек, мазкур шеърий маълумотларда шоирларнинг ижодий салоҳиятидан ташқари, уларга муаллифларнинг шахсий муносабати ҳам намоён бўлган. Бу маснавийлар XI аср маснавийчилиги вазнида (“Шоҳнома” вазнида), яъни мутақориб мусаммани маҳзүф (тактеъси: фаулун фаулун фаулун фаул; парадигмаси: V - - / V - - / V - - / V -) вазнида ёзилган.

4. “Мажмуаи шоирон” муламмаъ шаклида, яъни ўзбек ва форс тилларида ёзилган. Шунга кўра, мажмуадан жой олган шеърлар ҳам ўзбек ва форс тилларидадир. Ҳатто маснавий-маълумотлар баъзи ўринларда форсча, айримларида ўзбекча, бошқаларида ширу шакар усулларида дарж этилганини кузатиш мумкин. Бу ҳолатни анъана билан ҳам, давр талабларидан келиб чиқиб баҳолаш мумкин.

5. Тазкирачиликнинг дастлабки намуналари ва кейинчалик битилган бу каби асарлар наср усулида берилган. “Мажмуаи шоирон”да эса назм ва наср аралаш ҳолда дарж қилинган. Ундаги ҳамд ва наътнинг бирламчиси насрда берилган. Киромий қасидасидан олдин унинг муаллифи ва мазкур қасиданинг яратилиш тарихи ҳақида ҳам насрий фазл-маълумот ҳавола этилади. Булардан кўринадики, “Мажмуаи шоирон” шеърий тазкира, лекин ўрни билан насрий усулдан ҳам фойдаланилган.

6. Фазлий тазкирасида жанрлар таркиби ғоят ранг-баранг. Унда қасидалар, ғазаллар, мухаммас, мухаммаси қасида, муаммолар, тазкирага киритилган шоирларнинг Амирий шеърлари ва бир-бирларининг шеърларига боғлаган тахмислари, рубоий, таърихлари, Умархонга бағишлаб ёзилган мадҳиялар аралаш ҳолда дарж этилган. Кузатишлар Амирийнинг айни китобда келтирилган барча шеърларига тазкирада зикр этилган шоирлар томонидан татаббуъ битмаганликларини кўрсатади.

¹ Шониёзов М. “Мажмуаи шоирон” тазкираси матнини тайёрлаш принциплари ва матний тадқиқи. НД. -- Тошкент, 2009.- Б.15.

7. “Мажмуаи шоирон”да зикр қилинганларнинг ҳаммаси ҳам таниқли шоирлар эмас. Ҳали танилмаган истеъдодли шоирлар ҳам Фазлийнинг эътиборидан четда қолмаган. Беҳжат, Жаҳид, (Ибн Фазлий) Манзур каби ёш шоирларнинг шеърларидан намуналар келтириб, уларнинг истеъдодига катта баҳо беради. Бир қатор тадқиқотларда “Мажмуаи шоирон”да 101 шоирнинг номи келтирилгани айтилади. Лекин кейинги тадқиқотларда мажмуанинг қўлёзма ва тошбосма нусхалари солиштирилиб, шоирларнинг сони 88 та экани аниқланди.¹

8. Фазлий тазкирасида бир қатор шоиралар ҳам тилга олиниб, уларнинг асарларидан намуналар келтирилганини эслаб ўтиш алоҳида эътиборга моликдир. Мажмуада Увайсий, Маҳзуна сингари шоираларнинг асарларидан намуналар берилиши унинг ўзига хос аҳамияти сифатида кўзга ташланади.

9. Тазкирага киритилган намуна-шеърларнинг берилиши ҳам ўзига хос. Унда “шоирлар ижодидан намуналар тазкира тузувчи муаллифларнинг бадиий диди асосида танланган бўлиб, уларнинг кўпчилиги асарнинг умумий руҳига мос тушади”.² Тазкиранинг охириги қисмларида атоқли кишиларнинг вафот йиллари, турли тарихий саналар учун ёзилган таърихлар баён этилади.

10. “Мажмуаи-шоирон”да ғазаллардан ташқари, мумтоз шеърятнинг турли жанрларига оид намуналар берилган; тазкирада таърих, муаммо, рубоийларнинг ҳам учраши XVIII аср охири ва XIX аср бошлари Қўқон адабий жараёни ҳақида қимматли маълумотлар беради. Чунончи, Амир Умархон томонидан қурилган Боғи Дилбарнинг барпо қилинган йили ҳақида қуйидаги таърих берилади:

Аз он жустам пур ақл ман ҳам,

Бигуфто таваққуфи Боғи Дилбар. [687]

Мазмуни: Ундан етук ақли изладим, айтдиларки Боғи Дилбарда тўхтадим. Бунда Боғи Дилбар (باغ دلبر) таърих моддаси деб олинса, абжад ҳисобида 1239 йил ҳижрий, яъни 1814 йил мелодий санаси келиб чиқади.

Диссертациянинг иккинчи боби “**Мажмуаи шоирон**” – **XIX аср I ярмидаги ўзбек адабиётининг муҳим манбаси сифатида**” деб номланиб, унинг биринчи фасли “**Мажмуаи шоирон**”да **Амирий шахсияти талқини ва шеърларининг инъикос этиши**” дея сарлавҳаланган. “Мажмуаи шоирон” бевосита Амирийнинг топшириғи ҳамда саъй-ҳаракатлари, ҳомийлигида яратилган. Шу боисдан “Мажмуаи шоирон”нинг марказида Амирий шахсияти талқини ва унинг бетақрор ижоди тавсифи туради. Қўқон адабий муҳитига тегишли бошқа шоирларнинг шеърлари, дарж ва фазллар бу зотнинг ижоди ва асарларининг сифатларини баён этишга йўналтирилган. Тазкиранинг маснавий муқаддимасида ҳамд ва наътлардан кейин Амирийга бағишлов-қасида келади ва унда Саййид Муҳаммад Умархон ўз даврининг энг адолатли ҳукмдори, давлат ва халқнинг комил ғамхўри, шоирларнинг ҳомийси ва ўзи ҳам етук шоир сифатида таърифланади. Уни шарият ҳукмларига қаттиқ риоя қилувчи раҳбар, диннинг раҳнамоси, қалби соф, халқ

¹ Шониёзов М. Кўрсатилган диссертация... - Б.52.

² Валихўжаев Б. Ўзбек адабиётшунослиги тарихидан. -- Тошкент, Ўзбекистон, 1993.- Б.181.

ройишига кулоқ тутадиган хукмдор, Аллоҳ ризолиги учун халққа қайишадиган ва халқ ҳам ундан хушнуд бўладиган раҳмоний подшоҳ деб ёзилади.

*Ба ин жумла дод онқадар зебу зин,
Ки мансуҳ шуд даври султон Ҳусайн.* [3]

Мазмуни: ўша аҳли маъниларга (шоирларга) шу қадар зебу зийнат (ижодларига ривож) бердиларки, натижада, Султон Ҳусайн даври унинг даври олдида бир бахтсизлик бўлиб қолди. Кези келганда шуни айтиш керакки, шўро даври адабиётшунослигида юқорида келтирилган байт давр мафкурасига монанд тарзда берилгани кўп кузатилган. Тазкирадаги “*Ба ҳар қофияи шоҳ гуяд газал, Радифаи ба аҳли суҳан шуд мисол*” [4] байтидан бошлаб, Амирий шеърларига аҳли шеър татаббуълар боғлагани хусусида сўз боради. Бу байт мазмунан “Мажмуаи шоирон”нинг бутун мундарижасини ўзида намоён қилади. Чунки мажмуада Амирий шеърларига ёзилган пайровлар бирламчи ўринни эгаллайди. Мазкур шеърлар жиддий қиёсланса, уларда ҳам шакл, ҳам мазмунда баъзи бир фарқлар сезилади. Лекин булардан қатъи назар “Мажмуаи шоирон”даги “кириш” ва татаббуъ шеърлар, биринчи галда, Кўкон шоирларининг раҳнамози бўлган Амирий ижодий маҳорати, қолаверса, унинг атрофидаги бошқа шоирларнинг ижоди хусусида илмий хулосалар чиқариш имконини беради.

Шу бобнинг кейинги фасли “**Мажмуаи шоирон**”да **Кўкон адабий муҳити шоирлари ҳақидаги дарж ва фазллар**” деб номланиб, унда тазкиранинг антология (мажмуа) характерида эканлиги, зикр этилган шоиру фозиллар ҳақида маснавий усулида тўлиқроқ маълумотлар ҳавола этилгани шарҳ қилинган. Фазлий ижодкорлар ҳақидаги маълумотларни шеърӣ (маснавий) усулида беради. Маснавийларда сарой адабиётининг барча вакиллари, шунингдек, Гулханий, Махмур ва бошқа шоирлар ҳақида ишончли маълумотларни келтиради. Бу маълумотларда уларнинг феъл-атвори, муносабатлари, шеърларидан намуналар, улар асарларининг мукамал ё номукамаллиги ва бошқа жиҳатлари шеършунос сифатида очиб берилган. Масалан, Хотиф Хўжандий ҳақида сўз юритар экан, тазкирада ва бошқа манбаларда у ҳақида берилган маълумотларни айтиб ўтади. Аммо тазкирада Хотифга тегишли фазллар ва даржлар анчагина бўлиб, булар муқаддима-маснавийда ҳам (юқорида келтирилди), Хотифга тегишли шеър намуналарининг ҳар бирини ҳавола этишда ҳам фазллар берилган. Аниқроғи, биргина Хотиф ҳақида 26 ўринда дарж¹ ва фазл² берилади.

¹Таржима луғатларида “дарж” сўзи(арабча) маълумот, рўйхат,қайд,қатнашиш, талқин, ёзиш, рўйхатдан ўтказиш маъноларини ифодалаши кўрсатилган. Тазкирада шоирлар ҳақидаги маълумотлар “дарж” сўзи билан ифодаланган.

²“Фазл” сўзи эса “акл”, “донолик”, “камолотга эришиш” маъноларини билдиради. Тазкирада эса бу сўз “мақтов”, “қайд” маъносида ишлатилган. Масалан: “фазли Қози Худоёр” сарлавҳаси остида Қози Худоёрнинг Амирийга таъриф ва тавсифи, хусусан, Жомеъ масжидининг қурилиши ҳақида маълумот берилади. Яна тазкиранинг қасида қисмида шу рўйхат “фазли Мирзо Шариф, фазли Мулло Гулханий, фазли Мирзо Қаландар Мушриф...тарзида давом эттирилган. Шу боис қайд ва маълумотларни “дарж” ва “фазллар” деб юритишни маъкул кўрдик.

Тазкирада ота-бола шоирлар ҳақида, уларнинг иқтидори хусусида анчайин қизиқарли маълумотлар келтирилган. Бир дарждаги “Гулу гулшани Равнақи аржуманд” мисраси Кошифнинг Равнақ фарзанди эканлиги ҳақида. Ёки Шермуҳаммад Акмалнинг ўғли Махмур, Фазлийнинг ўғли Жаидид, (Ибн Фазли, Бандазод), Мушрифнинг ўғли Мирзо Айюб Бехжатлар ҳақидаги даржлар бунга далил бўла олади. “Мажмуаи шоирон”даги барча маснавий-маълумотларни ҳам ижобий мазмунда деб бўлмайди. Хусусан, шоир Махмур, Кошиф, Туробийлар ҳақида сўз борганда, уларнинг яхши сифатларини эмас, балки феъли атворидаги айрим нуқсонларни тилга олиб ўтади. Ушбу сатрларда аввал Махмурнинг яхши бир суханпардоз шоир бўлгани айтиб ўтилиб, унинг шеърлари масти ғафлатлик пайтида, бадхуморлик чоғида яратилган, шунинг учун бу шеърларда маънодан беҳабарлик мавжуд, деб хулоса чиқарса, Кошиф ва Туробийларни шеърга безътиборлик билан карашларини айтиб ҳужжат сифатида шеърларидан мисоллар беради.

Диссертациянинг “**Мажмуаи шоирон**”нинг **бадий-эстетик қиммати ва ўзбек адабиёти тарихидаги ўрни**” деб номланган учинчи бобининг биринчи фаслида **тазкирадаги маснавий-маълумотлар ҳамда шеърларнинг бадий хусусиятларига тўхтаб ўтилган.** Фазлий Намангонийнинг “Мажмуаи шоирон” тазкираси XIX асрнинг бошларидаги адабий жараёнлар, бу муҳитда қалам тебратган шоиру фозиллар – аҳли суханлар ҳақида муайян хулосалар чиқариш имконини беради. Бу даврда зуллисонайнлик анъанаси етакчи экан, мазкур фикрларни шоирлар томонидан яратилган ўзбекча ва форс-тожикча шеърларга баравар татбиқ этиш мумкин. Чунки дарж ва фазллар, баён этилган маснавийлар, тазкира муқаддимаси, қатор қасидалар ва бошқа лирик жанрлардаги пайровлар, асосан, форс-тожикча ва ўзбекча эканлиги бунга далолат қилади. Фазлий пайров намуналарини ҳавола этар экан, агар Амирийнинг шеъри форсча бўлса, аввал форс тилида маснавий берилган; агар ўзбек тилида бўлса, дарж ва фазллар, алоҳида олинган шеърлар ўзбекча бўлган. Тазкирадаги ҳамд, наът, мадҳ ва бағишловлар маҳорат билан бунёд этилган сатрлар дейишга арзийди. Чунки эътиборда тутилган ҳар бир зот ёки шахснинг сифатлари тўлақонли тарзда бадий баён этиладикки, уларда шоирнинг маҳорати анъанавийлик ва янгича кўринишларда кўзга ташланади. Шунингдек, тазкирада зикр этилган шоирларнинг сифати, бирор ҳудудга тегишлилиги хусусида гап борар экан, уларда ҳам Фазлий ўзининг шоирона салоҳиятини теран намоён қилишга эришган. Хусусан, маснавий муқаддиманинг шоирлар номлари зикр этилган ўринларида ҳар бир қалам аҳлининг бирор бир сифатини алоҳида тавсиф қилади. Бунда Фазлий ташбеҳ, тамсил, таносуб, сифатлаш, ҳусни таълил сингари бадий тасвир воситаларини шундай маҳорат билан ишлатадики, у орқали муайян бир шоирнинг ижодкорлик салоҳияти ҳақида тўлиқ тасаввурлар пайдо бўлади. Чунончи, Хожа Калонни “*олийнасаб*”, “*сарафроси саодат*”, шоир Адони “*сухан богида булбул*”, шоир Вазирни “*сарнуқтаи синжони олим*”, шоир Нолани “*қуддуси авлиё*”, шоир Мир Асадни “*зубдаи даҳр*”, шоир Маъюсни “*бўзўрғи олийжаноб*”, “*зариф ва ҳушёр*”, шоир Мужримни “*хожаи покдил*”, шоир Рамзийни “*хожаи*

комкор”, шоир Ғозийни “*ғазалҳои ширину дилкушо*”, шоир Мирзо Шарифни “*хирадманд*”, шоир Хотифни “*табъи равон*”, шоир Нусратни “*бо виқор*”, шоир Нодирни “*марди соҳибкамол*”, шоир Махвийни “*фозили номвор*”, шоир Қаландар Косонийни “*фарди ба синоат*”, шоир Қори Қундузийни “*хушкалом*”, шоир Беҳжатни “*қобилсуҳбат*”, шоир Касратни “*фозил дилпазир*”, яна шоир Нодирни “*булбултаъб*” деган таърифлар билан мадҳ этади. “Мажмуаи шоирон”да мадҳ бирламчи ўринга чиққанлиги учун, шоирлар ҳақидаги маснавийларда янгича сифатлашлар, ташбеҳлар, тамсил ва хусни таълиллари, талмеҳ ва тажнислар, хуллас, бадиий санъатларнинг мадҳ ва бағишловлардаги алоҳида бир мажмуаси пайдо бўлганини кузатиш мумкин. Маснавий-маълумотларнинг бадиий савиясини аниқлашда муқаддимада истифода қилинган бадиийлик унсурлари алоҳида аҳамият касб этиши айтиб ўтилди. Муаллиф хўжандлик Хотифни “*шоири дилписанд*” – дилни қитиқловчи шоир дейиш баробарида яна бир сифатлашни бутун бир мисра давомида келтиради: “*Сўз айтурсақим иқтидори баланд*”. Кейинги байтда унинг шоирлик иқтидорини соддагина йўл билан ёритиб беради: *Хотиф сўз айтурса (шеър ёзишда) хаёли расо шоирлар қаторида туради ва унинг шеърлари бадиий жиҳатдан анча мукамал*, дейилади. Навбатдаги сатрда: “*Сўзида анинг ҳеч йўқдур хато*”. Ана шу содда фикр “*коса тагида нимкоса*” тарзида берилиб, Хотифнинг ижодий салоҳиятига урғу бериш тарзида кўринади. Бир сўз билан айтганда, Хотиф Хўжандий ҳақида самимий мадҳиялар, унинг ижодий маҳорати ҳақида юксак баҳолар тазкиранинг яна бир неча ўрнида учрайди. Бир қўшбайтдаги бадиий сўзлар - *фозил, латиф, писандитар, аржуманд, фозили нуктадон* - Хотифнинг сийрати ва шоирлик иқтидорини анчайин кенг ёритиб беради. Хуллас, дебочадаги маснавий дарж ва фазлларда, бирор шеър олдида келтирилган тавсифларда тазкира муаллифларининг бадиий маҳорати аниқ кўринади. Фазлларда энг кўп қўлланган тасвирий восита, бу сифатлашдир. Сифатлашлар баробарида истиора, ташбеҳ, ийҳом ва бошқа бадиийлик унсурлари кенг истифода этилади. Маснавий дарж ва фазлларда муаллифларнинг маҳорати намоён бўлса, алоҳида олинган сатрларда айтиш шу шеър муаллифларининг поэтик салоҳияти ҳақида хулосалар чиқаришга имкон беради. Яна шуниси борки, тазкира муаллифи нафақат пайровчилар шеърятини, айтиш чоғда пайровга асос бўлган Амирий шеърларининг маҳоратда баланд даражада эканлигини кўрсатишга эришган. Бир байтда Амирий маъшуканинг сочи ва холи қоралигидан кофирга айландим деса, бошқа бир ўринда сенинг лабинг менинг шаробимдир, васлинг эса менинг жаннатимдир; сен соқийсан, шунинг учун ҳуру гилмонлар менга нася, нақд ўзингсан, деб ёзади:

Ишқ кофидурман хатти холи зулфидин,

Нақди дини исломим зорат эттилар онлар.

Кавсарим шарбингдур, жаннатим эрур васлинг,

Нақд сенсан, эй соқий, нася ҳуру гилмонлар. [242]

Ғазал шоирона маҳорат ва нафосат билан яратилгани аниқ кўриниб турибди. Бу байтларда эмас, ғазалнинг бошқа байтларида ҳам шоир маҳоратининг турфа товланишлари кўзга ташланади. Бир ўринда “*Масих*”

